

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2019 йил сентябрь ойининг 24 куни, жиноят ишлари бўйича Оҳангарон туман судининг очик сайёр суд мажлиси “Ватанпарвар” ташкилоти Оҳангарон туман ўқув спорт техника клуби биносидида бўлиб, раислик қилувчи У.Очилов, судья ёрдамчиси Ф.Бахадировнинг котиблигида, Оҳангарон туман прокурори ёрдамчиси Б.Холмирзаев, жабрланувчи О.Тохировнинг иштирокида,

Бекдилов Шухрат Жамол ўғли, 01.01.1992 йилда Андижон вилояти, Андижон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Андижон вилояти, Андижон шаҳарда яшайди, соғлом, унга нисбатан эҳтиёт чораси қўлланилмаган, ярашганлик муносабати билан жиноят ишини судга юбориш ҳақидаги қарор нусхасини 2019 йил 18 сентябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчига оид 1-1111-1901/127-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, Бекдилов Шухрат Жамол ўғли, 2019 йил 5 август куни соат 10 ларда бошқарувидаги “Нексия” русумли 40 А 518 АА давлат белгили автомашинасида Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Четсув МФЙ ҳудудидан ўтган “А 373 М 39 Гулистон-Бўка-Оҳангарон-Ангрен-Қўқон-Андижон-Ўш” автомобиль йўлининг 195-километрида, Андижон вилояти томонидан Ангрен шаҳри томонга ҳаракатланиб кетаётиб, бошқарувни йўқотиб қўйиш оқибатида йўналиши бўйича йўл ўртасидаги темир бордюрга урилиб кетиб, йўл транспорт ҳодисаси содир этган. Натижада “Нексия” русумли автомашинаси йўловчиси Тохиров Отабек Илёс ўғли тан жароҳати олиб, Ангрен шаҳар марказий шифохонасига тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2019 йил 22 августдаги 6628/5389-сонли хулосасига кўра, О.Тохировда аниқланган тан жароҳатлар оғирлик даражаси бўйича ўртача оғир тан жароҳати тоифасига киришлиги қайд этилган.

Оҳангарон туман ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими суриштирувчисининг 2019 йил 28 августдаги қарорига кўра, гумон қилинувчи Ш.Бекдиловга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ярашганлик муносабати билан тугатиш масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Гумон қилинувчи Бекдилов Шухрат Жамол ўғли суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда улар бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини

тугатишни сўради.

Жабрланувчи Тохиров Отабек Илёс ўғли суд мажлисида гумон қилинувчи Бекдилов Шухрат Жамол ўғлига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини баён қилиб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Суд, жабрланувчи О.Тохиров ҳамда гумон қилинувчи Ш.Бекдиловларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Оҳангарон туман прокурори ёрдамчиси Б.Холмирзаевнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, гумон қилинувчи Ш.Бекдиловнинг муқаддам судланмаганлиги, айбига иқrorлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва гумон қилинувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув гумон қилинувчи ва жабрланувчи хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инобатга олиб, Ш.Бекдиловга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи Тохиров Отабек Илёс ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ҳамда ЖПКнинг 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи **Бекдилов Шухрат Жамол ўғлига** нисбатан жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи Тохиров Отабек Илёс ўғлига мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан 10 сутка ичида жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

У.Очилов